

№ 1. Массаси 60 кг бола чангида турибди. Тар бир чангининг узунлиги 1,5 м, эни 10 см. Бола қорға қандай босим кўрсатади? Жавобни кПа да беринг.

- а) 1
- б) 2
- в) 6
- г) 40

№ 2. Кема сув ости қисмининг 5 м чуқурлигида юзи 80 см² тешик ҳосил бўлган. Бу тешикни ич томондан бекитган қопқоққа сув қандай босим кўрсатади? Сувнинг зичлиги 1000 кг/м³.

- а) 100
- б) 200
- в) 300
- г) 400

№ 3. Ҳажми 500 см³ бўлган жисм керосинга тўла чўктирилган. Бу жисмнинг оғирлиги қанчага камайган? Керосиннинг зичлиги 800 кг/м³.

- а) 1
- б) 2
- в) 4
- г) 5

№ 4. Сууюқлик оқимининг қувур тор қисмидаги тезлиги кенг қисмидагидан 4 марта катта. Қувур кенг қисми кесим юзаси тор қисминиқидан неча марта катта?

- а) 2
- б) 4
- в) 8
- г) 16

№ 5. Гаввоснинг юзи 2,4 м² скафандрига сув 3,6 мегаНютон куч билан босим кўрсатади. Баввос қандай чуқурликда жойлашган? Сувнинг зичлиги 1000 кг/м³.

- а) 15
- б) 30
- в) 36
- г) 150

№ 6. Ҳовузнинг узунлиги 50 м, эни 10 м, чуқурлиги эса 2 м. Агар Ҳовуз тўлдирилган бўлса, сув Ҳовузнинг тубига қандай куч билан босади? Сувнинг зичлиги 1000 кг/м³. Жавобни мегаНютонларда беринг.

- а) 2
- б) 5
- в) 10
- г) 25

№ 7. Нефтни поршенли насос билан 100 кПа атмосфера босими остида энг катта қандай баландликка кўтариш мумкин? Нефтнинг зичлиги 800 кг/м³.

- а) 10
- б) 15
- в) 8
- г) 12,5

№ 8. Сув остида массаси 50 кг ва Ҳажми 0,02 м³ тошни кўтариш учун қандай куч сарфлаш лозим? Сувнинг зичлиги 1000 кг/м³.

- а) 100
- б) 200
- в) 300
- г) 400

№ 9. Музнинг юзаси 4 м² ва қалинлиги 0,5 м. У сувга биратўла ботиши учун унга қандай массадаги юкни қўйиш даркор? Сувнинг зичлиги 1000 кг/м³, музнинг зичлиги эса 900 кг/м³.

- а) 200
- б) 100
- в) 90
- г) 50

№ 10. Қувурнинг кенг қисмида сув оқимининг тезлиги 0,5 м/с. Диаметри кенг қисмининг диаметридан 3 марта кичик бўлган тор қисмидаги унинг оқим тезлиги қандай?

- а) 0,5
- б) 1,5
- в) 3
- г) 4,5

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»